Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

10 июнь, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 124 (1641)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан россияликлар ва ўз номимдан Сизга ҳамда дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.*

*Бу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустақил тараққиёт ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлига кирган суверен Россия ва Ўзбекистон ҳаётида янги саҳифа очди.*

*Шартнома имзолангандан кейин ўтган вақт Россия билан Ўзбекистон ўртасида янги тарихий шароитда муносабатларни йўлга қўйиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари ва орзу-умидларини чуқур англаб, идрок этиш даври бўлди.*

*Шартнома бизнинг минтақавий ва халқаро даражаларда, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги қадамларимизни мувофиқлаштиришга сезиларли даражада имкон берди.*

*Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ниҳоятда масъул фаолиятингизда янги муваффақиятлар ҳамда дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.*

**Борис ЕЛЬЦИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

Москва шаҳри, Кремль,
1997 йил 24 май.

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Борис Николаевич!*

*Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан юборган табригингиз учун самимий миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз.*

*Бу муҳим ҳужжат янги тарихий шароитда давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга сифат жиҳатидан янги туртки бўлгани ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.*

*Ўзбекистон билан Россия кенг ўзаро манфаатлар майдонига ҳамда узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун зарур бўлган улкан салоҳиятга эга. Лозим даражадаги сиёсий иродага эга эканмиз, биз ўзаро икки томонлама муносабатларимизни мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жавоб бера оладиган янада юксак даражага кўтара олишимизга ишончим комил.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Борис Николаевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бардамлик, Россиянинг дўст халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 май.



***Андижон вилоятидаги Саида Зуннунова номли муаллимлар тайёрлаш билим юртининг аълочи талабаси Мунирахон Рўзиеванинг санъатга меҳри баланд. У яқинда вилоят билим юртлари талабалари ўртасида ўтказилган бадиий ҳаваскорлар кўригида «Муқаддас Ватан» қўшиғини ижро этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Айни кунларда Мунирахон республика кўригига ҳозирлик кўрмоқда.***

***СУРАТДА: Мунирахон Рўзиева.***

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратга олган.**

## XXI АСРГА ҚАТЪИЙ НИГОҲ

*6 июнь куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари ва чет эллик журналистлар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

*Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президент Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг директори Миракбар Раҳмонқуловлар ушбу мавзу ва китобнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти, китоб муаллифи таҳлил қилаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритдилар.*

*«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари Тошкентда аккредитациядан ўтган қатор хорижий дипломатлар билан суҳбат уюштирдилар.*

**Доктор Иозеф МАЧИШЕК, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Мувaққат элчиси:**

-- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли навбатдаги илмий асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Китоб кенг ўқувчилар оммасига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, халқаро ҳуқуқ ва ҳарбий сиёсат, мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 2000-йилда барқарор ва қатъий ривожланишига доир саволларга содда ва лўнда жавоблар беради.

Менда Марказий Осиёда асосий хавфсизлик таҳдидлари кўрсатиб берилган биринчи боб алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу муаммолар чуқур таҳлил қилинган бўлиб, минтақада геополитик мувозанатни сақлашда, тинчликнинг мустаҳкам пойдеворини яратишда, ҳар бир давлатнинг ва халқнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи омилларни тушуниб етишда катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз асарида муаммоларни ўртага ташлаш билан чегараланибгина қолмай, иккинчи бобда уларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини ҳам белгилаб берган.

Китобни ўқигач, Ўзбекистоннинг буюклигини яна бир бор англаб етдим. Ҳар бир фуқаро шаксиз ўз мамлакатининг кўҳна тарихи билан фахрланиш ҳиссини, давлатнинг мустақилликка эришиши натижасида бутун дунё олдида улкан қудрат ва имкониятлар очилишини ҳис қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу янги асари яқин кунларда бошқа хорижий тилларга таржима қилинишига ва у фақат Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишига сидқидилдан ишонаман.

**Владимир СМЕТАНИН, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Матбуотда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги китоби босмадан чиққанлигини ўқибоқ, дипломатларга бу китобни зудлик билан топиб келишни буюрдим. Жудаям бандлигимга қарамай, бирдан ўқиб тугатдим.

Бу авторнинг қаламига мансуб барча ижодий нарсалар менда катта қизиқиш уйғотади. Бироқ, бу сафар таҳлилнинг чуқурлиги, муаммо қўйилишининг янгича усули мен кутгандан ортиқ бўлиб чиқди. Асарни шунчаки ўқиш мумкин эмас, унинг ҳар бетини алоҳида мулоҳаза этиб ўқиш лозим. Бу эса ўйлашга мажбур этади, китобнинг аҳамияти ҳам шунда. Бу ҳақиқий ва катта олимнинг, донишманд давлат раҳбари ҳамда ўз халқи ва жаҳоннинг тақдири билан куйиб пишган оддий одамнинг меҳнатидир.

Муаллиф биринчи навбатда миллий давлатчиликни тиклашдаги енгил бўлмаган даврда дуч келаётган муаммолар, минтақа барқарорлигига жиддий хавф солиб турган давр юзасидан мулоҳаза юритади. Бироқ замонавий муҳитнинг аҳамияти шундаки, шунга ўхшаш жараёнлар жаҳоннинг барча нуқталаридаги бошқа давлатларда ва минтақаларда содир бўлиш билан бир қаторда кенг миқёсни қамраб олмоқда. Шу сабабли китоб кўплаб мамлакатларда ўз ўқувчисини топади.

Китобда кўтарилган масалалар, айниқса МДҲ ҳудудидаги янги мустақил давлатлар учун муҳимдир. Ишончим комилки, китоб Украина китобхонлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Президентининг асаридан бизнинг сиёсатчилар ва олимлар ўзларини қизиқтирган, қолаверса, уларни қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топадилар. Шунинг учун мамлакатим ҳукуматига китобни сотиб олиш ва уни украин тилига таржима қилиш юзасидан тавсиялар тайёрламоқдаман.

**Умур АПАЙДИН, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу китоби тақдимоти республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деган фикримга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган кўпгина дипломатик корпус раҳбарлари қўшилади, деб ўйлайман.

Китоб ҳозирги замоннинг муҳим масалаларига давлатингизнинг муносабатини ва мавқеини чуқур идрок этишда ва ўрганишда муҳим имкониятлар беради. У бизга Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ўрганишда йўлчи бўлиб хизмат қилади.

Мен айни вақтда бу асарни чуқур ва мазмунли таҳлил қила олмаётганимдан афсусдаман, чунки у катта диққат ва эътибор билан ўқишни талаб этади. Бу китобни қисқа муддатда элчихонамизнинг барча ходимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши, уларнинг ҳар бири учун фойдали бўлишига аминман.

Мен Тошкентда аккредитациядан ўтган кўплаб элчилар билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ушбу китоб ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввалги илмий асарлари каби ҳар бир дипломатнинг ишида ўта фойдали бўлади, деб бир овоздан таъкидладилар.

Китобнинг кўп тилларда нашр қилинишига ва хорижлик кенг ўқувчилар оммасини у билан яқиндан танишувига умид қиламан.

**Набиль АЛ-ЛАҲАМ, Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

-- Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлайман. У тинчлик ва барқарорликни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун минтақада сақлашга қаратилган. Президент И. Каримовнинг янги китоби барча Марказий Осиё давлатлари учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг масалаларни қамраб олган.

Деярли олти ой давомида Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ижобий ўзгаришларнинг натижалари сиёсатда, иқтисодда ва миллионлаб Сизнинг фуқароларингизнинг ҳаётида сезилиб турибди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эгадир. Бу нуфуз минтақадаги тинчликни ва барқарорликни мустаҳкамлашда мамлакат раҳбариятининг улкан саъй-ҳаракатлари орқали кучаймоқда.

Ислом Каримовнинг хавфсизлик муаммоларига бағишланган янги асари жаҳон ҳамжамияти фаолиятининг жўшиб турган юз йиллигида асосий мазмун бўлиб қолади.

Китоб ўқувчини асосий фикрга йўналтирувчи жуда тўлиқ ва чуқур таҳлилга эга: бу муаммолар мамлакатлар ва минтақаларга бўлинмайди, улар глобал характерга эга бўлиб бутун дунё ҳамжамиятларининг умумий ҳаракатлари билангина ҳал этилади.

Бу китобнинг илмий ва сиёсий қимматини баҳолаш қийин. Турли мамлакатларнинг сиёсатшунослари, дипломатлари ва олимларининг бу китоб билан танишишлари учун уни тез орада хорижий тилларда нашр қилиш зарур деб ҳисоблайман.

**«ЖАҲОН» ахборот агентлиги.**

## КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУР

Тошкентда Ўзбекистон Олий мактаб ходимларининг кенгаши бўлди. Унда республиканинг бир қанча вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, проректорлари ва деканлари иштирок этди.

Кенгашда 5 июнь куни «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» давлат комиссиясининг республика Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мажлисида муҳокама қилинган масалалар кўриб чиқилди. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар турмушнинг барча соҳаларига чуқур кириб боргани таъкидланди. Бироқ бу ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш даражасига боғлиқ. Афсуски, ҳозир таълим тизимини ислоҳ қилиш етарли даражада тез амалга ошмаяпти ва давр талабларига жавоб бермаяпти, деб қайд этилди кенгашда.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш чоғида иқтисодиётнинг турли тармоқлари эҳтиёжларинигина эмас, миллий анъаналарни, аждодларимизнинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги тажрибасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Мамлакатимизга профессионал билимларни чуқур эгаллаган, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, юксак маънавий фазилатли, ички маънавий маданиятли мутахассислар ниҳоятда зарур.

Кенгаш иштирокчилари республикада таълим тизимини ислоҳ қилишнинг Президентимиз Ислом Каримов давлат комиссияси мажлисидаги нутқида белгилаб берган асосий йўналишларини батафсил муҳокама қилдилар. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги дарсликлар, методик қўлланмаларни тезроқ яратиш зарурлиги айтилди. Ўқув жараёнининг ўзи жаҳон андозаларига мос бўлиши лозим. Шу муносабат билан, ўқитувчилар малакасини оширишга, талабаларимизга таълим бериш учун мамлакатимиз ва хориждаги етук олим ва мутахассисларни кенг жалб этишга, республика олий ўқув юртларининг бошқа мамлакатлардаги таниқли ўқув юртлари билан бевосита ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор берадиган пайт келди.

Кенгашда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Орипов, республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## БРИТАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

9 июнь куни пойтахтдаги Британия кенгаши биносида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британиянинг Бедфордшир савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистон-Британия бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Асқаров очди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимизда бозор иқтисоди инфратузилмаларини яратиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш учун кенг йўл очилди. Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизда хорижий сармоядорлар улуш қўшган 3 мингдан ортиқ корхона қайд этилди. Бунда Буюк Британия фирма ва компанияларининг ҳиссаси ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1996 йили 473,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу соҳада Европа Иттифоқи давлатлари орасида Буюк Британия иккинчи ўринни эгаллайди. Албатта, юқоридаги рақамлар Буюк Британиянинг Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга қизиқиши тобора ортиб бораётганининг яна бир далилидир.

Бедфордшир савдо палатаси 1877 йили ташкил этилган. Уни тузишдан мақсад хорижий давлатлар билан бизнес алоқаларини йўлга қўйишни истаган ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Анжуманда Буюк Британиялик ишбилармонлар ташқи савдонинг давлат назоратида бўлиши, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш усуллари, кичик ва ўрта корхоналарга қарз бериш, бу борада хориждаги кредит берувчи агентликлар билан ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақидаги маърузаларни тинглашди. Шунингдек, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар фаолияти учун яратилган қулай шарт-шароит билан танишдилар.

Буюк Британия делегацияси аъзолари бир неча кун давомида республикамизнинг қатор вазирлик ва идоралари, корхона ва ташкилотларида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишадилар.

Анжуманда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

УШБУ СОНДА:

2-бет — МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК САРИ

3-бет — ҚУТЛУҒ КУНЛАР ХОСИЯТИ

4-бет — БОШ СОВРИН ОКЕАН ОРТИГА КЕТДИ

МУНОСАБАТ

## ДИПЛОМГА ЭМАС, БИЛИМГА ИНТИЛИНГ

**— дейди республика Давлат тест маркази директори Муҳсин Муҳитдинов**



***Маълумки, шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди.***

Президентимиз раислигида шу масала юзасидан ўтказилган мажлисда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, унга ўзгартишлар киритиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди ва дастурий вазифалар белгилаб олинди. Умуман, бу вазифаларнинг моҳияти теран ва бекиёсдир.

Хўш, таълим-тарбия тизимида ва умуман, миллий кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар нималардан иборат?

Табиийки, миллий дастурни тузишда, аввало, мутахассисларнинг сифатини яхшилашга эътиборни қаратиш лозим. Ҳозир ҳар бир педагог, хоҳ у мактабда, хоҳ олий ўқув юртида бўлсин, ўз малака ва билимини мунтазам ошириб бориши талаб этилади. Бунинг учун нима қилиш керак? Президентимиз айтганларидек, талантли ва салоҳиятли ёшларимизни мутараққий мамлакатларга малака оширишга жўнатиш лозим. Демак, ривожланган давлатларга бориш учун чет тилларни ўрганиш зарур бўлади. Шу сабаб, тил ўрганишнинг энг самарали услублари жойларда кенг жорий этилиши керак.

Сифатни яхшилашнинг яна бир йўли -- ўқув жараёнини такомиллаштиришдир. Бунинг учун мажлисда таъкидланганидек, дарсликлар юксак савияда бўлиши керак.Чунки мактабда ҳам, олий таълим тизимида ҳам ҳамон эски дарсликлар қўлланилмоқда. Айниқса, ҳозир ўзбек тилида янги дарсликлар яратиш муаммоси жиддий турибди. Энг аввало, тажрибали олимларни, кўп йиллар ёшлар билан ишлаган, сабоқ берган, мулоқотда бўлган мутахассисларни бу ишга тезликда жалб этмоқ лозим. Токи, қайта ишланган дарсликлар ёшларимизнинг онгига, юрагига сингадиган, чуқур ўрнашадиган бўлсин.

Бошқа бир жиддий масала -- ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргатишимиздан иборат. Зеро, бусиз турмушимизда жиддий силжишлар содир этиш мушкул. Бунинг учун даставвал ўқитувчининг ўзи чуқур билимга эга бўлиши, талабаларни мустақил фикрлашга даъват эта олиши керак.

Аслида, мустақил фикрлаш -- демократия нишонаси. Шу жиҳатдан қараганда, юртбошимизнинг ташаббуси билан Давлат тест маркази ташкил этилиши, мамлакатда тест синовларининг жорий қилиниши ҳам демократик принциплардан биридир. Қолаверса, буни адолат мезони сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Дейлик, ўқувчи компьютер қошида имтиҳон топширди. Табиийки, машина мутахассис билимини субъектив эмас, объектив баҳолайди. Бу амалда ягона тизим яратишга асос бўлади. Ягона тизимда эса боланинг билимга муносабати тубдан ўзгаради. Негаки, у кириш имтиҳонларини тест синови орқали топширгач, институтдаги ўқиш жараёни ҳам осон бўлмаслигини олдиндан англайди.

Биз янги ўқув йилидан битирувчиларнинг билимларини белгилайдиган тест саволлари жамғармасини тузмоқчимиз. Битирувчи ўз мутахассислиги бўйича тегишли саволларга жавоб беради. Компьютер эса ёш мутахассисга дарров жавоб қайтармайди. У тўла тест саволлари жамғармаси талаблари бўйича балл чиқаради. Бу балл муайян даража билан белгиланади ва битирувчига ўша даражадаги диплом топширилади.

Ҳозир дипломга эмас, билимга интиладиган замон. Чунки илм ҳамма вақт устувор масала бўлиб келган. Тўғри, илгарилари дипломни яхши иш жойи, мансабдан-мансабга кўтарилиш воситаси деб тушунадиганлар ҳам бор эди. Энди эса, ёш мутахассис кадрлар бўлимига дипломини кўрсатиб ишга жойлашиб кетавермайди. Завод ва фабрикаларда ишга қабул қилиш тест синовлари орқали амалга оширилади. Бу эса муҳитни бутунлай ўзгартириб юбориши, шубҳасиз.

Миллий дастуримизнинг яна бир жиҳати уч йиллик таълим тизимидир. Президентимиз бу масалани ўта жиддий қилиб қўйди. Бу борада ҳам педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилиб олишимиз зарур. Бу тизимга ўтиш даври 2-3 йилдан ошмаслиги лозим.

Халқимиз азалдан илмли инсонларга ҳурмат-эҳтиромда бўлган. Ота-боболаримизнинг илми етти иқлимни тутганлиги бежиз эмас. Миллий дастур тез орада ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистондан чиққан ёш, билимли мутахассис ҳамда олимлар яқин кунларда жаҳон цивилизациясига муайян таъсир ўтказа олишларига ишончим комил.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

## МУТАХАССИСЛАР УЧУН УЙЛАР



*Қоровулбозорда темир йўл тизими жадал ривожлантирилмоқда. Электр қуввати узатиш тармоғи ҳам ҳар томонлама кенгайтирилаяпти. Бу ҳар икки соҳа ходимларига намунали яшаш шароитлари яратиб берилишини тақозо этаётир.*

*Ана шу мақсадларда темир йўлчиларнинг 50, энергетикларнинг 25 оиласи учун бир қаватли, томорқаси бўлган коттеж типидаги уйлар қурилиши бошлаб юборилди.*

*Ушбу уйлар даштнинг ёзда иссиқ, қишда изғиринли иқлими ҳисобга олинган ҳолда тикланаяпти.*

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИ ҲОСИЛ ЯНГИ ЗАВОДДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ



*Жондор туманида 40 минг тонна пахтани тозалаш қувватига эга завод қурилмоқда. Асосий ишни «Ўзагроқурилиш»нинг вилоятдаги 20-трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари амалга оширмоқда. Монтаж ишларини эса вилоят пахта тозалаш-сотиш ҳиссадорлик жамиятининг пахта тозалаш корхоналари қурувчилари бажаришаяпти.*

*Аввалари йиғиштириб олинган ҳосилни Коғон, Бухоро ва Қоракўл туманларидаги заводларга ташиш учун кетган харажат энди тежаб қолинадиган бўлди.*

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БОЗОРГА ТАРВУЗ ЧИҚДИ



*Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кишиларни ҳам ҳаётга бошқача кўз билан қарашга, ўз ишларига ижодкорлик билан ёндашишга даъват этмоқда. Хусусан, Сурхондарё мамлакатимизнинг энг иссиқ ўлкаси ҳисобланади. Сурхондарёликлар табиат иқлимининг ана шу хусусиятларидан унумли фойдаланишга, айниқса, кейинги йилларда катта эътибор бера бошлашди. Зеро, бозорга биринчи бўлиб маҳсулот чиқариш яхшигина даромад келтиради.*

*Шу кунларда пойтахт бозорларида тарвуз пайдо бўлган бўлса, ҳеч ажабланманг, балки уни бозор муносабатларининг сурхондарёлик меҳнаткашлар онгига олиб кирган янгиланиш меваси сифатида қабул қилинг. Янгилик шундаки, бу йил Сурхондарё вилоятининг кўплаб хўжаликларида тарвуз плёнка остига экилди. Жумладан, Денов туманининг Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигида шундай усулда экилган тарвузлар эрта етилди. Ҳосилнинг чўғи эса ҳар йилгидан баланд, олд тарвузлар бозорга чиқди.*

**Ч. ҒИЁСОВА.**

● *МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

# МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК САРИ

**Мамлакатимизда бу мақсадга эришишнинг ўзига хос йўли танланди**

***1991 йилнинг 31 августида халқимизнинг асрий орзуси ушалди: юртимиз тинч, парламентар йўл билан давлат мустақиллигига эришди. Шу кундан эътиборан Ўзбекистон ўзининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Республикамиз мустақиллигининг эълон қилиниши фавқулодда ҳодиса ёки айрим ички ва ташқи «сиёсатдонлар» таъкидлашни хуш кўрадиган «Беловеж битими» туфайли бўлган эмас. Ўзбекистон мустақиллиги халқимизнинг озодлик учун асрлар давомида олиб борган курашининг қонуний ва табиий интиҳосидир. Бу, энг аввало, халқимиз иродаси ва мамлакатимиз раҳбарининг дадил ҳаракати маҳсулидир.***

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар қандай давлат ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини белгилаб олади, маълум бир мақсад сари интилади. Республика Президенти ва ҳукумати томонидан пировард мақсад ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, деб белгиланди.

Хўш, ана шу мақсадга эришиш йўлидаги дастлабки қадамлар нималардан иборат бўлмоғи зарур? Собиқ Иттифоқ даврида иқтисодиёти фақат хомашё етиштиришга сунъий ихтисослаштириб қўйилган республика қайси йўлдан бориши керак? Иқтисодий ривожланган давлатлар тараққиётининг таҳлили бозор муносабатларига ўтиш зарурлигини кўрсатиб тургани ҳолда, Ўзбекистондаги мавжуд демографик вазият билан қандай қилиб янгича иқтисодий шароитга кириб бориш лозим? Мамлакат раҳбарияти бу ва шу каби қатор жиддий муаммоларга ечим топиши зарур эди. Ана шундай вазиятда кўп йиллар давомида иқтисодий бошқарув органларида фаолият кўрсатган, иқтисодни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан бошқариб бўлмаслигини собиқ Иттифоқ давридаёқ исботлаб берган ва таъбир жоиз бўлса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосчиларидан бўлган Ислом Каримов барчага машҳур бешта тамойилни ишлаб чиқди. Ўшанда айрим кимсаларнинг бу тамойилларга унчалик ишонқирамагани ҳам сир эмас. Лекин «Вақт -- олий ҳакам» деганларидек, ҳаёт бу йўлнинг нақадар тўғри эканлигини исботлади. Кўплаб мустақилликка эришган ёш давлатлар бугун Ўзбекистон йўлини танламоқдалар, дунёнинг етук иқтисодчилари ва сиёсатдонлари томонидан ушбу тамойиллар тан олинмоқда.

Бу тамойиллар ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари ва тарихий шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда қатор давлатлар тажрибаларини таҳлил этиб ишлаб чиқилди. Бу бирон-бир давлатнинг тараққиёт йўлига ўхшамаган, фақат Ўзбекистоннинг ўзигагина хос бўлган йўл эди. Ушбу тамойиллар асосида бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир. Бу ишларни рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор, бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий кафолат зарур эди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида суверен демократик республиканинг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий Қонунимиз чинакам демократик Конституция бўлиб, умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ҳам ўзида ёрқин мужассамлаштирган. Халқ, халқ ҳокимияти ғояси унинг моҳиятини ташкил этади.

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг ғоялари, тамойиллари ва меъёрларини ҳаётга татбиқ этишни фуқаролар билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва бурчларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу -- давлат ва унинг ҳокимият органлари билан бўладиган муносабатларда инсон омилининг устуворлигини англатади. Ҳуқуқий давлат шахснинг ўз манфаатларини рўёбга чиқаришини таъминламоғи, ҳуқуқий давлатчиликнинг мақсади эса жамият ва шахс эҳтиёжларига хизмат қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Бундан эса фуқаро давлатдан қандайдир ҳуқуқ ва эркинликларни сўровчи эмас, аксинча, давлат механизмига ўз фуқаролари олдида маълум бурчларни амалга ошириш ҳамда улар эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш учун тегишли мажбуриятлар юклатилиши зарур, деган маъно келиб чиқади. Ислом Каримов Конституцияда айни шу ғоялар ўз аксини топиши зарурлигини қайта-қайта кўрсатиб берди. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, чинакам ҳуқуқий демократик давлатни қуришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун одамларни демократияга ўргатиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш керак. Яқинда юртбошимиз республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда бу ҳақда куйиниб гапиргани бежиз эмас. Зеро, ана шу учрашувда таъкидланганидек, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейинги авлодлар учун ҳам зарурдир. Тўғри, ҳали бу масалада айрим муаммолар мавжуд. Баъзи фуқароларимиз ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини ва айниқса, бурчларини билмайдилар. Улар ўз шаъни, қадр-қиммати, иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлган суд ҳокимиятига мурожаат этиш зарурлигини тушунмайдилар. Турли ташкилотлар остонасида кунлаб, ойлаб вақт ўтказадилар. Демак, ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ушбу масалага масъул бўлган бошқа органлар фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун астойдил иш олиб боришлари зарур.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан борилар экан, шакшубҳасиз, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги орта боради. Шунинг учун фуқароларнинг турли сиёсий партияларга уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи белгилаб қўйилишига муҳим эътибор берилди ва бу ҳуқуқ Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди. Бугун республикада фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш», «Ватан тараққиёти» партиялари ва «Халқ бирлиги» ҳаракати ана шу эътибор маҳсулидир.

Албатта, демократик жамиятда ҳокимият билан мухолифатнинг ёнма-ён мавжуд бўлиб туриши мутлақо одатий ҳодиса. Демократик жараёнларнинг кучайиб бориши, ягона мафкура ҳукмронлигига чек қўйилиб кўппартиявийликка ўтилиши бу муқаррардир. Мамлакат раҳбарияти мухолифат масаласида ҳам аниқ ёндашув мавжудлигини таъкидлаб ўтди. Бу ёндашув шундан иборатки, мухолифат амалий тусда бўлиши керак, унинг обрўси ҳокимиятга нисбатан қанчалик холис муносабатда бўлишига боғлиқ. «Мухолифлик умуман ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашаётган ишга, ғояларга нисбатан бўлиши керак, деган эди Ислом Каримов «Труд» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида. —Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса, мен буни, албатта, қабул қиламан».

Миллий давлатчилик асослари шакллантирилар экан, мамлакат раҳбарияти олдида давлат ҳокимияти органлари тизимини жаҳон тажрибасига таянган ҳолда қайта ташкил этишдек муҳим вазифа турган эди. Бу вазифа ҳам амалда ғоят демократик тарзда ҳал этилди. Энг аввало, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари ажратиб қўйилди. Бунда «Ўзаро тийилиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» тамойилига таянилди. Бу -- нафақат ҳуқуқий давлат барпо этишнинг, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланишининг муҳим шарти эди. Сўнгра таркибига кўра синфий ёндашув асосида шакллантирилган Олий Кенгашга барҳам берилиб, янги парламент -- Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди.

Вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари -- шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти миллий анъаналарга мос ҳолда йўлга қўйилди.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нарх қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва шунга ўхшаш қатор қўмита, вазирликлар тугатилди. Улар ўрнида бозор инфраструктураси вужудга келтирила бошланди. Бунда асосий мақсад маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишига қаратилди.

Республикадаги барқарор ижтимоий-сиёсий вазият, тараққиёт ва истиқлол йўлининг аниқлиги, давлат кафолатининг мавжудлиги Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция кириб келишига шароит яратиб берди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришган ёш давлатларга доимо кучли, ривожланган давлатлар ўз таъсирини ўтказиш ҳаракатида бўлади. Бу давлатлараро муносабатларда мутлақо табиийдир. Ана шундай таъсирни сезмаслик, унинг оқибатларини олдиндан кўра билмаслик ҳар қандай мамлакатни мураккаб ҳолатга олиб келиши мумкин. Шунинг учун республика ҳукумати четдан бериладиган кредит шартларини чуқур таҳлил қилиб, «тенглик» принципи асосида иш олиб борди. Кредитлар ҳам бир қатор қўшни давлатларда бўлгани каби магазин пештахталарини чет эл товарлари билан тўлдиришга эмас, балки шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этишга сарфланди. Тўғри, бу -- бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳоли ҳали ислоҳотлар самарасидан тўла баҳраманд бўлмай турган бир пайтда қийин йўл эди. Бироқ бу йўл нақадар оқилона, узоқни кўзлаб танланган йўл эканини бугун халқимизнинг ўзи тушуниб етди ва қўллаб-қувватлади. «Қўлдан берганга қуш тўймас» деганларидек, ўзимизда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмас экан, иқтисодий ислоҳот тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмас эди. «ЎзДЭУавто», «Қобул-Тўйтепа-Текстайлз», «Ўзсаламан», Қарши тўқимачилик мажмуи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи, қайта қурилган кимё, машинасозлик саноати тармоқлари ана шу оқилона сиёсат маҳсулидир.

Мустаҳкам миллий давлатчилик асосларини ярата бориб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётган, бугун ўз сўзи ва залворига эга Ўзбекистон шахдам қадамлар билан тараққиёт йўлидан бораётир. Энг асосийси, фуқаролар бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларни нафақат қўллаб-қувватламоқдалар, балки ўзлари бу ислоҳотларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Зеро, фуқаролари давлатни бошқаришда фаол иштирок этувчи, фуқароларни бахт-саодатга элтувчи давлат адолатли давлат бўлади ва бундай давлат, шакшубҳасиз, буюк келажакка етиб боради. Ҳозирги куннинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, бугун ўзбек миллий давлатчилигининг тақдири ҳал этилаётган пайт. Бундай пайтда шу мустақил диёрнинг фарзандиман деган ҳар бир фуқаро мустақилликни мустаҳкамлаш ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

**Зоҳиджон ВОҲИДОВ,**
**давлат ва жамият қурилиши магистри.**

● *БАНК ТИЗИМИ*

# МЎМИН ОТАНИНГ ТАБАССУМИ

***Ховос туманидаги Баландчақир қишлоғи ва «Фарҳод» ширкатлар уюшмасининг бош қўрғонида Халқ банкининг янги бўлимлари иш бошлади.***

*-- **Мўмин ота, бу тиқилинч автобусда нима қилиб юрибсиз? Қариганда оёқни узатиб, невараларнинг олдида ёнбошлаб ётсангиз бўлмайдими?***

*-- Э, тирикчиликда, ўғлим... Кўрмаяпсанми, туманга кетаяпман. Банкада 4-5 сўм пулим бор эди. Тунов куни борсам, кассир қиз тушмагур бетоб бўлиб қолган экан. Пулимни ололмай қайтдим...*

Баландчақир билан туман марказининг оралиғи салкам 50 чақирим. Кунига икки бор автобус келиб-кетади. Вақтида унга улгурилса яхши, акс ҳолда, йўловчи машина кутиб кишининг ранги сарғаяди. Мана энди бу қишлоқ аҳли оворагарчиликлардан бутунлай халос бўлди. «Ховос» ширкатлар уюшмасининг Баландчақир қишлоғидаги туман Халқ банки бўлимининг замонавий ва шинам янги биносини 45-кўчма қурилиш жамланмаси жамоаси бунёд этди.

-- Қурувчиларга раҳмат! Бу бинони кўпнинг дидига мослаб, тезу соз қуриб бердилар, -- дейди Ховос тумани Халқ банки бошқаруви раиси Раҳмонқул Бийболаев. -- Эндиликда бизнинг хизматимиздан салкам 11 минг нафар аҳоли фойдаланаяпти. Энг муҳими, ховосликлар узоқ йўл босиб, банкка пул қўйиш ёки зарур бўлганда, у ердан маблағ олиш учун туман марказига қатнаш ташвишидан қутулдилар. Бўлим газ, электр қуввати, турли жарима тўловларини қабул қилиб, одамларга пенсия, нафақа ва суюнчи пулларини тарқатади. Шундай қулайлик туманимизнинг «Фарҳод» ширкатлар уюшмаси марказида ҳам яратилди. Бу ердаги бўлимимиз 10,5 минг нафар аҳолининг оғирини енгил қилаётир. Ҳар иккала шохобча қурилишига 2,8 миллион сўм сарфланди. Умуман, банк тизимининг кенгайиши туман иқтисодини янада ривожлантириш, пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш, ошиқча маблағлардан унумли фойдаланиш, миллий сўмимизнинг белини бақувват қилишда муҳим аҳамият касб этади.

*-- **Ҳа, Мўмин ота, яна йўлга чиқибсиз? Банкагами?***

*-- Нималар деяпсан, болам! Мана, қишлоғимизга газ келди. Ҳадемай чўл томондан қувурлар орқали сув ҳам етиб келади. Банкага қатнаш ташвишидан эса халос бўлдик. Бугун ўзим бир шаҳарга отландим-да. Бозор оралаб ул-бул харид қилсам, яхши-ёмонни кўрсам, дегандим...*

Мўмин ота мамнун кулиб қўйди. Унинг юзидаги аввалги ташвиш ўрнида эндиликда илиқ табассум зоҳир эди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Улуғнор туманида ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, туман марказини ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туман тарихий музейи ёнида фуқаролик далолатномаларини қайд этиш бўлими учун янги, замонавий бино ишга тушган бўлса, «Нигина» савдо-ишлаб чиқариш хусусий фирмасига қарашли дўкон ҳам туман маркази ҳуснига-ҳусн қўшди.*

*Фарҳод Отажонов бошчилигидаги «Нигина» хусусий фирмаси аҳолини яхна ичимликлар, озиқ-овқатлар билан таъминлаш йўлида фаолият кўрсатаётир.*

*СУРАТЛАРДА: фуқаролик далолатномаларини қайд этиш бўлими учун қурилган бинонинг умумий кўриниши; шу фирма етакчиси Фарҳод Отажонов; «Нигина» фирма дўкони.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратга олган.**



● *ҲУҚУҚИЙ САБОҚ*

# КЎНИКМА МАРКАЗИ

Баъзи бир газеталарда озодликдан маҳрум этилган инсонларнинг жамиятдан ажралган шахслар деб аталиши, ростини айтсам, мени таажжубга солади. Жазони ижро этиш тизимлари қачондан буён жамиятимиздан ажратилди? У ҳам жамиятимизнинг бир бўлаги, оғриқли нуқтаси эмасми? Тўғри, илгарилари мазкур муассасалардаги тутқунлар норасмий жиҳатдан жамиятдан тўла маҳрум этилган эди. Аммо бугун истаймизми-йўқми, улар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоларидир. Олий Мажлиснинг яқиндагина ўтган сессиясида депутатларимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси»ни қабул қилганликлари фикримизнинг яққол далилидир. Демак, ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган бир даврда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, бурч ва мажбуриятлари кафолатланган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг мазкур кодекс ҳақида матбуотда эълон қилинган Қонуни ана шу асосларни бир меъёрга солади.

Ушбу мажмуани ўқир эканман, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси жиноятнинг олдини олиш хизмати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Шавкат Иброҳимов билан суҳбатимиз ёдимга тушди.

-- Хоразмлик бир киши жазосини ўтаб қайтгач, қишлоғига боради. Паспорти Урганчда рўйхатда турганлиги учун, уни вилоят марказига жўнатишади. Аммо унинг на Ҳазораспда, на Урганчда уйи бўлади. Урганчдан эса уни Ҳазораспга қувадилар. Бир куни у менинг олдимга келди. Тўғри, уни заводлардан бирига ишга жойлаштириб қўйдик. Аммо унинг тақдири мен анчадан буён ўйлаб юрган фикримни тезроқ амалга ошириш учун туртки бўлди.

ИИБ қошида «тўкилиб қолган» боғча биноси бор эди. Кейинги пайтда унга болалар ҳам қатнамай қўйганди. Биз уни озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиққан шахсларнинг ижтимоий мослашув марказига айлантириш ҳақида ҳокимиятта таклиф киритдик. Ҳокимият маблағ ажратди. Ҳатто милиция ходимлари ҳам бир кунлик маошини ушбу бино таъмирига сарфлашди.

Биз Шавкат ака билан бирга кўникма марказини бориб кўрдик. Марказ бошлиғи, милиция катта лейтенанти Юсуфбой Матчонов чор-атрофига оройиш берилган бинонинг ичкарисига бошлади. Бир ёнда ётоқхона, стоматология кабинети, тикувчилик цехи, суратхона. Иккинчи томонда эса телерадио, машина устахоналари, этикдўзлик хонаси, чойхона.

-- Жорий йилнинг биринчи чорагида марказимизга 43 нафар шахс келди, -- деди Юсуфбой. -- Шуларнинг 16 нафарини иш билан таъминладик. 10 тасига бепул паспорт берилди. 40 минг сўм миқдорида ёрдам пули ажратилди. Марказимиз 1995 йилдан фаолият кўрсатаётир. Шу давр мобайнида бизга озодликдан маҳрум этиш жойларидан 457 шахс келди ва уларга ёрдам тариқасида 57 минг 300 сўм пул тарқатилди.

-- Биз Меҳнат биржасининг бўш ишчи жойлари ҳақидаги маълумотини олдиндан олиб қўямиз, -- суҳбатга Ш. Иброҳимов аралашди. -- Ҳеч кими ва бошпанаси бўлмаганларга иш жойи, ётоқхона тавсия этилади. Паспортларини шаҳар рўйхатига қўямиз.

Бу «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси»нинг 171-моддасидаги «Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳкум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашув марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади» деган жумлаларнинг ижроси Хоразм вилоятида қандай бажарилаётганининг жонли мисолидир. Инсонга эътиборсизлик, унинг тақдирига лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келишини ҳаммамиз яхши англаймиз. 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши бежиз эмас. Зеро, ҳазрати Инсоннинг манфаатидан улуғ, унинг бугуни ва эртасига ғамхўрликдан устуворроқ вазифа йўқдир.

**Э. БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● *БОЖХОНА БЕКАТИ*

# ЁНИЛҒИ БАКИ ИЧИДАГИ «ОПИЙ»

***Чет эл валютасини кўрганда инсофу диёнатни унутиб, бир-бирларини алдашдан, ҳатто ножўя ишларга қўл уришдан тоймаётганларни ким деб айтишга ҳам ҳайрон бўласан, киши.***

Навоий вилояти божхона хизмати ва ДАН ходимлари қўлга туширган долларларни айтинг. Бухоро -- Самарқанд катта йўли бўйлаб ўтказилган тадбирда ВАЗ-21053 русумли О 5889 ОШ давлат белгили автомашина божхоначилар эътиборини ўзига тортди. Машина тўхтатилиб, текширувдан ўтказилганда, қирғизистонлик йўловчи Канат Папишевнинг ёнидан 50 000 АҚШ доллари чиқди. Канат оға уни оқ сурпга ўраб, белига маҳкам боғлаб қўйган экан. Шунча долларни меҳмон қаердан олганлиги суриштирилмоқда.

Қарши аэропортида рус рублларига «меҳр» қўйган Россия фуқароси Шербек Ҳусаинов қўлга тушди. У божхона баённомасида кўрсатилмаган 17 миллион 400 минг рублни яширинча йўллар билан Москвага олиб кетаётган экан. Рублпараст Шербекнинг «фаолияти» билан ҳозир Қашқадарё вилояти прокуратураси шуғулланмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги «2-Сариосиё» божхона пости ходимлари мамлакатимиз орқали Тожикистондан Россияга йўл олган ВАЗ-21099 русумли автомашинани тўхтатиб, кўрикдан ўтказишаётганда, кутилмаган манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Бензин бакининг устки қисми янгидан пайвандланганлиги уларда шубҳа уйғотди. Бу сирли ҳолатнинг тагига етиш учун бакни кесиб кўришга қарор қилдилар. Гап тагида гап бор экан. Ҳайдовчи -- Россия фуқароси Валерий Шумихин 10 килограмм 689 грамм «опий» гиёҳванд моддасини олтита целлофан халтага ўраб, бензин баки ичидаги махсус идишда ҳидини чиқармай олиб келаётганлиги аниқланди. Сир ошкор бўлгач, қилни қирқ ёрувчи божхона ходимлари ҳушёрлигига нашафурушнинг ўзи ҳам тан берди. Ҳозир ушбу иш бўйича суриштирув олиб борилмоқда. Савол-жавобларга Валерийнинг ёнида келаётган тожикистонлик Шамсулло Холов ҳам таклиф этилган.

Тошкент вилоятидаги 12-пост ходимлари божхона тартиб-интизомига хилоф бўлган яна бир ишни фош этдилар. Тошкент -- Бангкок йўналиши бўйлаб учувчи самолётга йўловчилар чиқариш бошланганда, юртдошимиз Истат Сафарова безовталаниб қолди. Бунинг боиси бор экан. «Тадбиркор» опамиз кўз ойнаги ғилофига баённомада кўрсатилмаган 1600 АҚШ долларини яширганлиги маълум бўлди. Яна бир юртдошимиз Муборак Мирбобоева эса 5030 АҚШ долларини ноқонуний йўллар билан Теҳрон томон олиб кетаётганида ушланди. Ҳар иккала ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ айтилганларнинг ўзиёқ кишини жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Хўш, нега шундай ҳоллар юз бераяпти? Гап фақат шахсий манфаатдагина бўлмаса керак. Энг ёмони, баъзи юртдошларимизда инсоф-диёнат йўқ, масъулият етишмайди. Улар мол-дунё, бойлик орттириш учун ўзларини ўтга ва чўққа урадилар, фуқаролик бурчини унутиб қўядилар. Бу эса яхшиликка олиб келмаслиги турган гап. Ҳуқуқий демократик давлатларда қонун устувор бўлиши лозим. Қонунларга, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш эса ҳамма учун мажбурийдир.

